



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2017 йил 12 сентябрь, № 182 (6876) Сешанба

Сайтнинг ўқиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

### «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги

### Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2017 йил 15 августда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2017 йил 24 августда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 3 декабрда қабул қилинган «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги ЎРҚ-378-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 12, 340-модда) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги тахрири тасдиқлансин (илова қилинади).

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:  
хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;  
ушбу Қонуннинг ижросини, ижрозиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,  
2017 йил 11 сентябрь  
№ ЎРҚ-445

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

### Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида (янги тахрири)

1-боб. Умумий қоидалар

**1-модда.** Ушбу Қонуннинг мақсади ва қўлланилиш соҳаси

Ушбу Қонуннинг мақсади давлат органлари ва давлат муассасаларига (бундан буён матнда давлат органлари деб юритилади), шунингдек уларнинг мансабдор шахсларига жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари (бундан буён матнда мурожаатлар деб юритилади) соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши давлат иштирокидаги ташкилотларга ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига (бундан буён матнда ташкилотлар деб юритилади) нисбатан ҳам татбиқ этилади.  
Ушбу Қонуннинг амал қилиши:  
қўриб чиқиш тартиби маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, фуқаролик процессуал, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия, ҳужалик процессуал қонун ҳужжатлари ва бошқа қонунлар билан белгиланган мурожаатларга;  
давлат органларининг, шунингдек улар таркибий бўлинмаларининг ўзаро ёзишмаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

**2-модда.** Мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

**3-модда.** Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:  
**ариза** — ҳуқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларини амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат;  
**таклиф** — давлат ва жаҳмиёт фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаат;  
**шикоят** — бузилган ҳуқуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаат;  
**электрон мурожаат** — белгиланган тартибда ахборот-коммуникация технологиялари воситасида берилган, шу жумладан давлат органининг, ташкилотнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилган мурожаат, реал вақт режимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда берилган оғзаки мурожаатлар бундан мустасно;

**такрорий мурожаат** — айна бир жисмоний ёки юридик шахсдан келиб тушган, унинг аввалги мурожаати юзасидан қабул қилинган қарор устидан шикоят қилинаётган ёки бошқача тарзда норозилик билдирилатган, шунингдек, агар такрорий мурожаат келиб тушган пайтга келиб қонун ҳужжатларида белгиланган қўриб чиқиш муддати тугаган бўлса, илгариги мурожаати ўз вақтида қўриб чиқилмаганлиги тўғрисида хабар қилинаётган мурожаат;

(Давоми 2, 3-бетларда.)

## Ўзбекистоннинг ижтимоий барқарорликни таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатлари БМТ расмий ҳужжатида

Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, ислом динининг туб моҳияти ва мазмунини сақлаш мақсадида Ўзбекистон ҳукумати кўраётган чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳида Бош Ассамблея 71-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди.

### БИЗ ВА ЖАҲОН

БМТнинг расмий олти тилида тарқатилган мазкур ҳужжатда оилаларда, маҳаллаларда ҳамда бутун жаҳмиётда ижтимоий ва маънавий ҳаётни янада ривожлантириш, соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, ёшларни тарбиялаш вазифаси, тинч ҳамда осойишта турмушни таъминлаш ва муқаддас ислом динининг софлигини сақлаш бугунги кунларда Ўзбекистонда ҳар қачонгидан ҳам катта аҳамият касб этаётгани алоҳида таъкидланган. «Айнан ана шу масалалар Ўзбекистоннинг бугунги ва эртанги қиёфасини ҳамда ўзбекларнинг ҳозирги ва

келгуси авлодлари тақдирини белгилайди», дея таъкидланади мазкур ҳужжатда. Тараққиётнинг сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилиш учун мамлакатимиз ҳукумати 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилгани, ҳозирги пайтда у ҳаётга илҳом қилиб келган ҳамда ушбу ҳужжатда ўз ифодасини топган. «Жорий йилнинг «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилинган ҳисобга олина экан, бу дастурнинг

алоҳида ўрин тутиши яққол аён бўлади». Шу йўналишдаги амалий чоралар ифодаси ўлароқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ҳамда Виртуал қабулхонаси очилган. Ҳужжатда қайд этилганидек, бугунги куннинг ўзидаёқ ушбу тизимлар мамлакат фуқаролари эҳтиёжи ва талабларининг қондирилишида муҳим аҳамиятга эга институтга айланмоқда. Аҳоли билан мулоқотнинг қўллаб-қувватланиши ҳамда одамлар манфаатларининг ҳимояси давлат сиёсатининг устувор йўналишлари қаторидан жой олди.

«Мазкур ишларнинг ҳаммаси ва барча соҳаларда, — дея ёзилади ҳужжатда, — Ўзбекистонда тинчлик ҳамда осойишталикни таъминлашга, аҳоли фаровонлигини ошириш ва соғлом ҳамда ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашга йўналтирилган».

(Давоми 3-бетда.)

## ДЕПУТАТЛАР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ 2017 ЙИЛ БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИГИДАГИ ИЖРОСИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

2017 йилнинг 11 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг жорий йил I ярим йиллигидаги ижроси якунларини кўриб чиқдилар.

### ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Даставвал сиёсий партиялар фракцияларининг ва Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг, шунингдек, Қонунчилик палатаси соҳага оид қўмитасининг мажлисларида ушбу масаланинг дастлабки муҳокамалари ўтказилган эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббусига кўра ишлаб чиқилган ва жорий йилнинг 7 февраль куни тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ҳамда «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурининг бажарилиши, биринчи ярим йил-

ликда давлат органлари, назорат қилувчи органлар, банк-молия муассасалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг механизми ва шакллари тубдан ўзгартириш бўйича комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши иқтисодий ўсишнинг мунтазамлиги ва макроиктисодий барқарорлик сақланиб туришини таъминлашга мақсад қилинганлиги мажлисда таъкидлаб ўтилди. Мамлакатимиз тармоқлари ва ҳудудларидаги юқори инвестиций фаоллик, олиб борилаётган таркибий ўзгаришлар, ҳам ашё ва яримтайёр маҳсулотларни қучур қайта ишлаш асосида рақобатдош маҳсулотни ишлаб чиқарувчи юқори

технологияли лойиҳаларнинг амалга оширилиши, ҳўжалик юритувчи субъектлар учун янада қўлай иқтисодий шарт-шароитнинг яратилиши, улар экспорт фаолиятининг рағбатлантирилиши, шунингдек, хизматлар кўрсатиш соҳасининг, биринчи навбатда, ахборот-коммуникация технологиялари негизда хизматлар кўрсатишнинг замонавий турлари пайдо бўлиши ҳисобига жадал ривожланиши иқтисодий ўсишнинг асосий омиллари бўлди. Мамлакатимиз бюджет сиёсатини такомиллаштириш юзасидан биринчи ярим йилликда қабул қилинган, бюджетларнинг даромад базасини кенгайтиришга, бюджетларро муносабатларни такомиллаштиришга ва бюджет маблағларининг ҳарajatлар самарадорлигини, натижадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар ҳисобот дaвpидa Дaвлат Бюджетини мунтaзaм равишда ижро этиш имконини берди.

(Давоми 3-бетда.)

## Қайта ишлаш саноати: ИСТЕЪМОЛЧИ ҲАМ, ТАДБИРКОР ҲАМ МАНФААТДОР

Бугун халқимиз қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш орқали катта даромад олиш мумкинлигини яхши билади. Ортимизда мазкур тармоқнинг йил сайин ривож топаётгани боиси ҳам шунда!

Ваҳолонки, яқин-яқингача заманимизда етиштирилган дала неъматларининг озгина қисми қайта ишлангани ҳеч кимга сир эмас. Ҳозирги кунга келиб эса тадбиркорларимиз томонидан ўнлаб хилдаги мева-сабзавот замонавий технологиялар асосида тайёр маҳсулот ҳолига келтириляпти.

### ИЗЛАНИШ

Биргина мисол. Авваллари кунгабоқар пистасига кўча ва хибонлар бўйларида қозога ураб сотиладиган оддий эрмак сифатида қаралар эди. Шу сабабли унинг сифати ва тозаллиги тегишли тартибда назорат қилинмасди. Энди-чи? Айни пайтда ушбу кўйеёсар ўсимлик ҳосили ҳам илгор дастоҳлар ёрдамида қайта ишланаяпти. Сўнг бежирим идишларга қадокланиб, ички ва ташқи бозорга чиқарилмоқда. Мухими, бундан истеъмолчилар ҳам, сотувчилар ҳам, ишлаб чиқарувчилар ҳам бирдек манфаатдор!

Сирдарё вилоятидаги «Бек» бирлашмасига қарашли «Сирдарьинский берёг» қўшма корхонаси ана шундай фаолият турига ихтисослаштирилган. Ортимизда биринчилардан бўлиб кунгабоқар пистасини тайёр маҳсулот ҳолига келтиришга киришган мазкур тадбиркорлик субъекти қисқа муддатда хари-дорлар эътиборига тушиб

улгурди. Натижада саноат субъектининг имкониятлари тобора кенгайиб бормоқда. Чунонки, дастлаб бу ерда 6 киши ишлаган бўлса, ҳозирги пайтга келиб, жамоа аъзолари сони 141 нафарга етган. Бундан ташқари, корхонада ер-ёнғоқ, ошқовоқ уруғи, олма, чилонжийда ва бошқа меваларни қайта ишлаш ҳамда қовун қоқилари тайёрлаш йўлга қўйилди. Бинобарин, кунгабоқар пистаси ва ерёнғоқни саноат усулида қаши ҳам ўзлаштирилди. Айни чоғда бундай илгор усулда пўстидан тозаланган маҳсулотлар ортимиздаги қандолатчилик субъектларига етказиб берилаяпти. Ҳозирда, хориждан тушаётган буюрт-

малар ҳажми ҳам ортиб бораёпти. — Шу кунгача қарийб 3 миллион АҚШ доллари микдоридаги экспорт амалиётини бажардик, — дейди қўшма корхона бош директори Ботир Исмоилов. — Йил охиригача мазкур кўрсаткич бир неча баробар ошиши кутуляпти. Бунинг учун имкониятларимиз етарли. Технологияларимиз бозор талабларига мос ҳолда янгилаб борилмоқда. Шу билан бирга, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича янги-янги лойиҳалар устида ҳам илҳом олиб бораёпмиз. Яқинда корхонага тежамкор ва самарадорлиги юқори бир неча ускуналар

## Ўзбекистон — Қирғизистон: Ҳамкорлик муносабатларида туб бурилиш

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 5-6 сентябрь кунлари Қирғизистонга амалга оширган давлат ташрифи икки мамлакат раҳбарлари томонидан Самарқандда эришилган келишувларнинг мантикий давоми бўлиб, Ўзбекистон — Қирғизистон муносабатлари ривожига янги саҳифа очганлиги билан тарихий аҳамиятга эга.

### ТАШҚИ СИЁСАТ

Президентимиз Қирғизистонга мазкур ташриф сўнги 26 йил давомида амалга оширилган давлат ташрифи мақомига эга биринчи ташриф эканига эътибор қаратиб, у икки томонлама муносабатларни янги босқичга олиб чиқиши ва амалий Қирғизистон Президентини Алмазбек Атамбоев ўринда ўзбек ҳамда қирғиз халқларининг муштарак тил ва тарихга эга эканлиги давлатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада ри-

вожлантиришда мустаҳкам пойдевор бўлиши эътироф этилди. Давлатимиз раҳбари ташрифини Қирғизистон расмийлари кўтаринкилик билан қутиб олишди. Юсак даражадаги муносабатларни янги босқичга олиб чиқиши ва амалий Қирғизистон Президентини Алмазбек Атамбоев ўринда ўзбек ҳамда қирғиз халқларининг муштарак тил ва тарихга эга эканлиги давлатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада ри-

## Профилактика инспекторлари қасамёди

Ватанимиз тинчлиги ҳамда аҳоли осойишталигини таъминлашда ички ишлар идоралари ходимларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Айниқса, ушбу тизимни халққа янада яқинлаштириш мақсадидаги саъй-ҳаракатлар бугун ўз самарасини бераёпти.

### ТАДБИР

Бу борада Президентимизнинг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликларини ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини қучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони муҳим аҳамият касб этмоқда.

(Давоми 4-бетда.)

## ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ РАҚАМЛАРДА

Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида

**13 339** та лойиҳа амалга оширилди, **2,1** трлн. сўм кредит ўзлаштирилди, **10** та эркин иқтисодий зона, **5** та кичик саноат зонаси ташкил этилди, «Peugeot» ва «Citroën» бренди билан өнгил тижорат автомобилларини ишлаб чиқариш бўйича завод барпо этилмоқда.

HARAKATLAR STRATEGIYASI 2017-2021

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида (янги таҳрири)

◀ (Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

аноним муурожаат — жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлгон маълумотлар кўрсатилган муурожаат, шунингдек уни идентификация қилиш имкониятини бермайдиган электрон муурожаат ёхуд имзо билан тасдиқланмаган ёзма муурожаат;

муурожаатнинг дубликати — айна бир жисмоний ёки юридик шахс муурожаатининг кўчирма нусхаси;

оммавий қабул — давлат органи раҳбарининг ёки бу борада ваколат берилган мансабдор шахснинг жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари билан оммавий учрашувларида муурожаатларни қабул қилишга доир ҳаракати;

видеоконференцалока — узоқда жойлашган бир нечта абонентларнинг реал вақт режимида аудио- ва видеоахборот алмашиш имконияти билан ахборот-коммуникация технологияларида фойдаланган ҳолда интерактив ҳамкорлик қилиши;

давлат иштирокидаги ташкилот — устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган тижорат ташкилоти ёхуд тўлиқ ёки қисман давлат органи томонидан ташкил этилган ёки таъсис этилган нотижорат ташкилоти.

4-модда. Муурожаатларни кўриб чиқишнинг асосий принциплари

Муурожаатларни кўриб чиқишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- қонунийлик;
муурожаатларни ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқиш;
муурожаатларга нисбатан талабларнинг бир хиллиги;
жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши;
муурожаатларни кўриб чиқишда бюрократизм ва сансалорликка йўл қўйилмаслиги;
муурожаатларни кўриб чиқишда давлат органлари, ташкилотлар ва улар мансабдор шахслари фаолиятининг шаффофлиги.

5-модда. Муурожаатларнинг шакллари ва турлари

Муурожаатлар оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда бўлиши мумкин.

Аризалар, таклифлар ва шикоятлар муурожаатларнинг турлари ҳисобланади.

Муурожаатлар, уларнинг шакли ва туридан қатъи назар, бир хил аҳамиятга эга бўлади.

6-модда. Муурожаатларга қўйиладиган талаблар

Жисмоний шахснинг муурожаатида жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

Юридик шахснинг муурожаатида юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили), тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

Жисмоний ва юридик шахснинг муурожаатида давлат органининг, ташкилотнинг аниқ номи, муурожаат юборилган мансабдор шахснинг лавозими ва (ёки) фамилияси (исми, отасининг исми) кўрсатилган, шунингдек муурожаатнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

Муурожаатларда муурожаат этувчиларнинг электрон почта манзили, алоқа телефонлари ва факслари рақамлари кўрсатилиши мумкин.

Муурожаатлар давлат тилида ва бошқа тилларда берилиши мумкин.

Ёзма муурожаат муурожаат этувчи жисмоний шахснинг имзоси ёки муурожаат этувчи юридик шахс ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим. Жисмоний шахснинг ёзма муурожаатини муурожаат этувчининг имзоси билан тасдиқлаш имкони бўлмаган тақдирда, бу муурожаат уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқлаб, унинг фамилияси (исми, отасининг исми) ҳам қўшимча равишда ёзиб қўйилиши керак.

Муурожаат этувчиларнинг вакиллари орқали берилган муурожаатларга уларнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

7-модда. Муурожаатлар ва оммавий ахборот воситалари

Оммавий ахборот воситалари тахририятларидан келиб тушган муурожаатлар ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилади.

Оммавий ахборот воситаларига йўлланган муурожаатлардан оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари мувофиқ жамоатчилик фикрини ўрганиш ва акс эттириш учун фойдаланилиши мумкин.

8-модда. Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш

Давлат органларида, ташкилотларда, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари томонидан жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш ташкил этилади.

Жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг шахсий қабулини ўтказувчи давлат органларининг, ташкилотларининг раҳбарлари ёки бошқа мансабдор шахслари ҳар қандай масалалар, шу жумладан ўз ваколатларига кирмайдиган масалалар бўйича муурожаат этилганда қабулни рад этишга ҳақли эмас, ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш, агар уларнинг шундай хусусиятга эга бўлган аввалги муурожаати бўйича қарор қабул қилинган ва бу ҳақда уларга ушбу Қонунда белгиланган тартибда хабар қилинган бўлса, рад этилиши мумкин.

9-модда. Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш тартиби

Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш давлат органининг, ташкилотнинг раҳбари ёки бошқа мансабдор шахси томонидан амалга оширилади. Бунинг учун давлат органларида, ташкилотларда махсус таркибий бўлинмалар ташкил этилиши мумкин, қабул учун масъул бўлган мансабдор шахслар белгиланади.

Давлат органларининг раҳбарлари ёки бу борада ваколат берилган бошқа мансабдор шахслари томонидан жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакиллари қабул қилиш тартиби шундай:

Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш белгиланган кун ва соатларда, қабул қилиш жадвалига мувофиқ ўтказилади.

Қабул қилиш жадвали ва уни ўтказиш вақти, жойи ҳамда қабулга олинган ёзилган тўғрисидаги ахборот, қабул қилиш тартиби уларни давлат органларининг расмий веб-сайтларида эълон қилиш, шунингдек уларнинг маъмурий биносида ҳамма кириши мумкин бўлган жойлардаги стендларга ёки бошқа техник воситаларга жойлаштириш орқали манфаатдор шахслар эътиборига етказилади.

Жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакиллари қабул қилиш тартиби шунингдек оммавий қабуллар, зарур бўлган ҳолларда, қабул қилиш жадвалларидан ташқари ўтказилиши мумкин. Оммавий қабул ҳовлиларга (квартираларга), бошқа биноларга ва жойларга бирма-бир кириб чиқиш орқали ҳам ўтказилиши мумкин.

Агар қабул давомида баён этилган масалаларни ҳал этиш давлат органининг, ташкилотнинг ёки улар мансабдор шахсининг ваколатларига кирмаса, тегишли мансабдор шахслар муурожаат этувчига муурожаатда баён этилган масалаларни ҳал этиш учун қайси органга ёки ташкилотга муурожаат қилиш лозимлигини тушунтириши керак.

Шахсий қабул давомида давлат органи, ташкилот раҳбарининг қарорига кўра ва муурожаат этувчига бу ҳақда хабар берган ҳолда махсус техника воситалари (аудио- ва видеоёзув, шунингдек фотосуратга олиш) қўлланилиши мумкин.

Жисмоний шахс оғзаки муурожаат этаётганда ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни, юридик шахснинг вакили эса ўз ваколатларини тасдиқлайдиган ва ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиши керак, оммавий қабул вақтида келиб тушган муурожаатлар бундан мустасно.

Оғзаки муурожаатлар реал вақт режимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, шу жумладан давлат органларининг, ташкилотларнинг ишонч, тезкор алоқа телефонлари орқали ва видеоконференцалока воситасида ҳам берилиши мумкин.

Видеоконференцалока воситасида қабул қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

2-боб. Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхоналар

10-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси давлат органидан, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан муурожаатларнинг самарали кўриб чиқишини ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тuzилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари юридик шахс мақомига эга бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари тизимини қуйидагилар ташкил этади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхоналари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг туманлар ва шаҳарлардаги (туманга бўйсунувчи шаҳарлардан ташқари) Халқ қабулхоналари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси келиб тушаётган муурожаатларни, ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида қабул қилиш, тўплаш, таснифлаш ва тизимлаштириш, шунингдек уларнинг тўлиқ ўз вақтида ҳамда сифатли кўриб чиқиши устидан мониторинг ва назоратни амалга ошириш имконини берувчи ахборот тизими ҳисобланади.

11-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарининг ва Виртуал қабулхонасининг асосий вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарининг ва Виртуал қабулхонасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга қаратилган, муурожаатлар билан ишлашнинг самарали тизими фаолиятини таъминлаш; муурожаат қилишга оид конституциявий ҳуқуқнинг сўзсиз амалга оширилиши учун шароитлар яратиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонасига келиб тушган муурожаатларнинг тўлиқ, ҳолисона ва ўз вақтида кўриб чиқишини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонасига келиб тушган ҳамда тегишлилиги бўйича давлат органларига, ташкилотларга юборилган муурожаатларнинг кўриб чиқишини устидан тизимли мониторинг ва назоратни амалга ошириш; жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакиллари қабулларини ўтказиш, шу жумладан видеоконференцалока воситасида ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонасига келиб тушадиган муурожаатларни қайд этиш, умумлаштириш, тизимлаштириш, уларни кўриб чиқиш устидан мониторинг ва назорат қилиш бўйича электрон ахборот тизимини жорий этиш ҳамда юритиш орқали муурожаатлар билан ишлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш.

12-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат органлари, ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга ошириш, улардан ўз ваколатига кирувчи масалалар юзасидан ҳужжатларни ва ахборотни сўраш ҳамда олиш;

зарур ҳолларда, муурожаатларни кўриб чиқиш натижалари юзасидан қабул қилинган қарорларнинг ижросини жойларга чиқиб ўрганиш;

муурожаатларни кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида давлат органларига, ташкилотларга таклифлар киритиш;

муурожаатларни кўриб чиқиш тартиби ва муддатларини бузган, шунингдек муурожаатларни кўриб чиқиш натижалари юзасидан қабул қилинган қарорларнинг ижросини таъминламаган шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича таклифлар киритиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари:

ушбу Қонун талабларига риоя этиши; муурожаатлар билан ишлашда мавжуд ахборот тизимидан фойдаланиши; ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этиши; ўз дастурий-аппарат воситаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаши;

навбатда туришининг электрон бошқаруви тизими самарали ишлашини ва маъмурий жиҳатдан бошқарилишини, муурожаат этувчиларнинг сони уларнинг тоифалари ва тегишли соҳалар бўйича муайян давр учун (кун, ҳафта, ой) лозим даражада ҳисобга олинишини таъминлашни шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

13-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси томонидан муурожаатларга доир масалалар бўйича реал вақт режимида маслаҳатлар бериш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси негизда турли тармоқлар ва фаолият соҳаларидан малакали мутахассисларни маслаҳатчилар сифатида жалб этган ҳолда, муурожаатларга доир масалалар бўйича жисмоний ва юридик шахсларга реал вақт режимида маслаҳат бериш амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси негизда реал вақт режимида маслаҳат бериш, бир томондан, маслаҳатчилар ўртасида, шунингдек бошқа томондан, ўзини қизиқтирадиган масала юзасидан тезкор тартибда ахборот олиш истагида бўлган жисмоний ва юридик шахслар ўртасида ахборот айирбошлаш йўли билан таъминланади.

14-модда. Давлат органларининг, ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларининг виртуал қабулхоналарини ташкил этиш

Аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, муурожаатларнинг кўриб чиқиши устидан тизимли мониторинг ва назоратни амалга ошириш, шунингдек муурожаатлар билан ишлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш мақсадида давлат органлари, ташкилотлар ва улар мансабдор шахслари ўз виртуал қабулхоналарини ташкил этиши мумкин.

Виртуал қабулхоналар қайси давлат органи, ташкилот ёки уларнинг қайси мансабдор шахслари томонидан тuzилган бўлса, уша давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахслари номида фаолият кўрсатади.

3-боб. Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаат этиш ҳуқуқлари қафолатлари

15-модда. Муурожаат этиш ҳуқуқини амалга ошириш қафолатлари

Жисмоний ва юридик шахсларга давлат органларига, ташкилотларга ва уларнинг мансабдор шахсларига яққа тартибда ёки жамоа бўлиб муурожаат этиш ҳуқуқи қафолатланади.

Муурожаат этиш ҳуқуқини амалга оширилади. Ҳеч ким бирон-бир муурожаатни ҳимоя қилишга ёхуд унга қарши қаратилган ҳаракатларда иштирок этишга мажбур қилиниши мумкин эмас.

Муурожаат этиш ҳуқуқининг амалга оширилиши бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини, эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини, шунингдек жамият ва давлат манфаатларини бузмаслиги керак.

Ҳорижий давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари, фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси давлат органларига, ташкилотларига ва уларнинг мансабдор шахсларига ушбу Қонунга мувофиқ муурожаат этиш ҳуқуқига эга.

16-модда. Муурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланилаётганда камситишга йўл қўйилмаслиги

Муурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланилаётганда жисмоний шахснинг жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий даврга, шунингдек юридик шахсларнинг мулк шакли, жойлашган ери (почта манзили), ташкилий-ҳуқуқий шакллари ва бошқа ҳолатларига қараб камситишга йўл қўйилмайди.

17-модда. Муурожаат этилганда ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларга риоя этилишининг қафолатлари

Давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари муурожаатларни кўриб чиқишда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда қонунлари талабларига риоя этиши, уларнинг тўлиқ, ҳолисона ва ўз вақтида кўриб чиқишини учун чоралар кўриши, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари тикланишини ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўриши шарт.

18-модда. Муурожаатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш қафолатлари

Муурожаатлар давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши шарт, ушбу Қонуннинг 29 ва 30-моддаларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

19-модда. Муурожаатлар муносабати билан аён бўлиб қолган маълумотларнинг ошқор этилмаслиги қафолатлари

Муурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти, юридик шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар уларнинг розилигисиз, шунингдек давлат сирини ёхуд қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг ва, агар бу жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини камситадиган бўлса, бошқа ахборотнинг давлат органлари, ташкилотлар ходимлари ва улар мансабдор шахслари томонидан ошқор этилишига йўл қўйилмайди.

Жисмоний ва юридик шахс тўғрисидаги, муурожаатга тааллуқли бўлмаган маълумотларни аниқлашга йўл қўйилмайди.

Жисмоний шахснинг илтимосига кўра унинг шахсига доир бирон-бир маълумот ошқор этилмаслиги керак.

20-модда. Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари муносабати билан улар хавфсизлигининг қафолатлари

Жисмоний шахсини, унинг вакилини, уларнинг оила аъзоларини, юридик шахсини, унинг вакилини ва юридик шахс вакилининг оила аъзоларини улар ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш ёки ҳимоя қилиш мақсадида давлат органларига, ташкилотларга ва уларнинг мансабдор шахсларига муурожаат этганда, шунингдек муурожаатларда ўз фикрини билдирганлиги ва танқид қилганлиги муносабати билан таъқиб этиш ман этилади.

4-боб. Муурожаатларни бериш ва уларни кўриб чиқиш тартиби

21-модда. Муурожаатларни бериш тартиби

Муурожаатлар уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш ўз ваколати доирасига қирадиган давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсига бевосита ёхуд бўйсунув тартибда юқори турувчи органга берилади.

Жисмоний ва юридик шахслар муурожаатни мустақил равишда беришга, шунингдек бу борадаги ваколатни ўз вақилига беришга ёхуд муурожаатни почта алоқаси

воситалари орқали ёки электрон шаклда юборишга ҳақли. Вояга етмаганлар, муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган шахсларнинг манфаатларини кўзлаб муурожаатлар уларнинг қонуний вакиллари томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда берилиши мумкин.

Муурожаатга у бўйича илгари қабул қилинган мавжуд қарорлар ёки уларнинг кўчирма нусхалари, шунингдек уни кўриб чиқиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар илова қилиниши мумкин, мазкур ҳужжатлар қайтарилмайди, муурожаат этувчи уларни қайтариш ҳақида ёзма ариза берган ҳоллар бундан мустасно. Қўрсатиб ўтилган ҳужжатлар муурожаат тааллуқлилиги бўйича бошқа давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсига юборилганда муурожаатга илова қилиниши керак.

Муурожаат почта алоқа воситаси орқали конвертда келиб тушганда конвертда муурожаат ва унга иловалар мавжудлиги текширилади. Конвертда муурожаат мавжуд бўлмаса ёки у шикастланган бўлса, шунингдек муурожаатда кўрсатилган иловалар мавжуд бўлмаса, далолатнома тuzилиб, унинг бир нусхаси муурожаат этувчига конвертда кўрсатилган манзил бўйича юборилади.

22-модда. Муурожаатларни бериш муддатлари

Муурожаатларни бериш муддатлари, қонда тарихисидида, белгиланмайди. Айрим ҳолларда, агар давлат органининг, ташкилотнинг ёки улар мансабдор шахсларининг муурожаатни кўриб чиқиш бўйича имкониятларига, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ўз вақтида амалга ошириш ва ҳимоя қилиниши таъминлаш заруратига боғлиқ бўлса, шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқа асосларга кўра муурожаатни бериш муддати белгиланиши мумкин.

Бўйсунув тартибидида юқори турувчи органга ариза ёки шикоят жисмоний ёки юридик шахсга унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини бузувчи ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этилганлиги ёхуд қарор қабул қилинганлиги маълум бўлган пайтдан эътиборан узоғи билан бир йилдан кечиктирмай берилади.

Ариза ёки шикоят беришнинг узрли сабабга кўра ўтказиб юборилган муддати аризани ёки шикоятни кўриб чиқувчи давлат органи, ташкилот ёки уларнинг ваколат берилган мансабдор шахси томонидан тикланади.

23-модда. Муурожаатлар бўйича иш юритиш

Давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахсига келиб тушган муурожаат ўша куннинг ўзидида, иш вақти тугагандан кейин келиб тушган тақдирда эса, кейинги иш кuni рўйхатдан ўтказилиши керак.

Муурожаатни рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Давлат органларида, ташкилотларда муурожаатларни рўйхатдан ўтказиш дафтари юритилиб, унда муурожаатнинг тартиб рақами ва келиб тушган санаси, муурожаат этувчи жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), юридик шахснинг номи, муурожаатнинг қисқача мазмуни, ижроси тўғрисидаги белги, шунингдек бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Давлат органлари, ташкилотлар муурожаатлар билан ишлашда электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий этиши мумкин.

Давлат органининг раҳбарига ёки ваколат берилган мансабдор шахсига оммавий қабуллар вақтида тушган ва жойида ҳал этилган оғзаки муурожаатларни рўйхатдан ўтказиш талаб қилинмайди. Бунда жисмоний шахснинг ёки юридик шахс вакилининг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар, муурожаатнинг қисқача мазмуни, шунингдек уни кўриб чиқиш натижаси оммавий қабул баённомасида кўрсатилади.

Муурожаатни рўйхатдан ўтказиш ва кўриб чиқиш бўйича иш юритиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида (янги таҳрири)

(Давоми. Бошланғич 1, 2-бетларда).

Мурожаатларни кўриб чиқиш учун асоссиз равишда бошқа давлат органларига, ташкилотларга ўтказиш ёхуд қарорлари ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинаётган органларга, ташкилотларга ёки мансабдор шахсларга юбориш тақиқланади.

Агар мурожаатларда уларни тегишли давлат органларига, ташкилотларга ёки мансабдор шахсларга юбориш учун зарур маълумотлар бўлмаса, бу мурожаатлар мурожаат этувчига беш кунлик муддатдан кечиктирмай асосланган тушунтириш билан қайтарилади.

Агар мурожаатни кўриб чиқиш давомида мурожаатнинг дубликати келиб тушса, мазкур мурожаат аввал келиб тушган мурожаат билан биргаликда кўриб чиқилади.

Агар мурожаатнинг дубликати мурожаат кўриб чиқилганидан ва жавоб юборилганидан кейин келиб тушса, бу ҳақда давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахслари мурожаат этувчини тегишли тартибда хабардор қилинади.

Мурожаатларнинг турларига қиритилмаган хатларни (ташакурномалар, табриқномалар, таклифномалар, фирмулохаззалари) кўриб чиқиш давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан уларнинг ўз ихтиёрига қўра амалга оширилади.

26-модда. Мурожаат этувчини эшитиш

Мурожаатни кўриб чиқаётган давлат органи, бошқа ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахслари ўз ташаббусига қўра ёхуд мурожаат этувчининг илтимосига қўра уни эшитишни ташкил этиши мумкин.

Давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахслари мурожаат этувчига мурожаатда қўрилган масалалар бўйича ўз фикрини билдириш ва мурожаат бўйича қўшимча ахборот тақдим этиш имкониятини беради. Давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахслари мурожаат этувчининг эшитишга экспертларни, мутахассисларни ва манфаатдор ташкилотларнинг вакиллари билан эшитиш мумкин.

27-модда. Мурожаатларга жавоблар

Мурожаатларни кўриб чиқиш натижаларига қўра давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахслари томонидан қарор қабул қилинади, бу ҳақда мурожаат қилувчига дарҳол ёзма ёки электрон шаклда хабар қилинади.

Мурожаатга жавобни давлат органининг, ташкилотнинг раҳбари ёки уларнинг мансабдор шахси имзолайди.

Жамоавий мурожаатларга жавоб, агар мурожаатда жавобни бошқа шахсга юбориш талаб этилган бўлса, мурожаат қилувчиларнинг рўйхатида биринчи кўрсатилган шахсга юборилади.

Мурожаат, агар унда қўйилган барча масалалар ушбу Қонун талабларига мувофиқ кўриб чиқилган ва мурожаат қилувчига тегишли жавоб юборилган тақдирда, кўриб чиқилган ҳисобланади.

Мурожаатларга жавоблар мумкин қадар мурожаат этилган тилда баён қилинади, жавоблар мурожаатда кўрсатилган ҳар бир масала бўйича важарни инкор этувчи ёки тасдиқловчи аниқ асосларни (заруратга қараб қонун ҳужжатлари нормаларига ҳавола қилинган ҳолда) ўз ичига олган бўлиши керак.

Оммавий қабуллар вақтида давлат органининг раҳбарига ёки ваколат берилган бошқа мансабдор шахсига келиб тушган ва жойида ҳал этилган озғак мурожаатларга ёзма жавоб ёки электрон шаклдаги жавоб талаб этилмайди.

28-модда. Мурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари

Ариза ёки шикоят масалани мазмунан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса, бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

Ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари тегишли давлат органининг, ташкилотнинг раҳбари томонидан истисно тартибда узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда мурожаат этувчига хабар қилинади.

Таклиф давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсига келиб тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно бўлиб, бу ҳақда таклифни киритган жисмоний ёки юридик шахсга ўн кунлик муддатда ёзма шаклда хабар қилинади.

29-модда. Мурожаатларни кўрмай қолдириш

Куйидаги мурожаатлар кўриб чиқилмайди: а) аноним мурожаатлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар, уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда; мазкур Қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар.

Мурожаатлар кўрмай қолдирилганда тегишли хулоса тузилади, у давлат органининг, ташкилотнинг раҳбари ёки уларнинг ваколат берилган мансабдор шахси томонидан тасдиқланади.

Жисмоний ва юридик шахс вакилининг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд эмаслиги сабабли мурожаатлар кўрмай қолдирилганлиги тўғрисида мурожаат қилувчи тегишли тартибда хабардор қилинади.

30-модда. Мурожаатларни кўриб чиқишни тугатиш

Мурожаатларни кўриб чиқиш куйидаги ҳолларда тугатилади:

а) агар такрорий мурожаатларда янги важар ёки янгидан очилган ҳолатлар келтирилмаган бўлса, илгариги мурожаат материалларида эса текширувларнинг тўла-тўқис материаллари мавжуд бўлса ва мурожаат қилувчига белгиланган тартибда жавоблар берилган бўлса;

б) агар мурожаат қилувчи ўз мурожаатини белгиланган тартибда қақриб олган бўлса ёки уни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисида илтимос қилган бўлса;

в) яшаш жойи, турган жойи (почта манзили), электрон почта манзили ёки бошқа реквизитлари ўзгарганлиги тўғрисида ўз вақтида хабардор қилмаганлиги туфайли қақришнинг имкони йўқлиги сабабли мурожаатни мурожаат қилувчининг иштирокисиз кўриб чиқиш имконияти бўлмаганда;

г) мурожаатни мурожаат қилувчининг иштирокисиз кўриб чиқиш имконияти мавжуд эмаслиги сабабли, давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахси томонидан қақриб олган мурожаат қилувчи келмай қолган тақдирда;

д) агар мурожаат қилувчи жисмоний шахс вафот этганидан сўнг мурожаатни кўриб чиқиш ҳуқуқи ворисликка йўл қўймаса.

Мурожаатни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисидаги қарорни давлат органининг, ташкилотнинг раҳбари ёки уларнинг ваколат берилган мансабдор шахси қабул қилади.

Такрорий мурожаатни кўриб чиқиш ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи таъбирига мувофиқ тугатилганда, мурожаат қилувчи такрорий мурожаатнинг асоссизлиги ва ушбу масала юзасидан у билан ёшималар тугатилиши тўғрисида ёзма равишда хабардор қилинади. Ёшималар олиб бориш тугатилган мурожаат қилувчидан такрорий мурожаат келиб тушган тақдирда, бундай мурожаатни кўриб чиқиш мурожаат қилувчини бу ҳақда хабардор қилмасдан тугатилади.

Мурожаатни кўриб чиқиш уни қақриб олиш тўғрисидаги ариза бўйича тугатилганда мурожаат мурожаат қилувчига давлат органининг, ташкилотнинг ёки улар мансабдор шахсининг хати билан бир ушбу кун ичида қайтарилади. Мурожаатни қақриб олиш тўғрисидаги ариза қонун бузилишларини аниқлаш ва бартароф этиш юзасидан чора-тадбирлар кўрилишини истисно этмайди.

Мурожаат қилувчи қақриб олган жисмоний шахсининг ёки юридик шахс вакилининг келмай қолганлиги сабабли мурожаатни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинади.

31-модда. Мурожаатга жавобни тушунтириш ва уни тугатиш

Жисмоний ёки юридик шахснинг илтимосига қўра мурожаатни кўриб чиққан давлат органи, ташкилот ва уларнинг мансабдор шахслари мурожаатга жавобни унинг мазмунини ўзгартирмасдан тушунтириши, шунингдек йўл қўйилган хатолар ва арифметик хатоларни ўз ташаббусига қўра ёки мурожаат қилувчининг илтимосига қўра, мурожаатга жавобнинг мазмунига дахл қилмаган ҳолда тугатиши шарт.

Мурожаат қилувчининг мурожаатга жавобни тушунтириш ва уни тугатиш тўғрисидаги илтимоси у келиб тушган кундан эътиборан ўн кун ичида кўриб чиқилади.

5-боб. Мурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, давлат органларининг, ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

32-модда. Мурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари

Мурожаатлар давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан кўриб чиқилаётганда жисмоний ва юридик шахслар куйидаги ҳуқуқларга эга:

мурожаатни кўриб чиқишнинг бориши тўғрисида ахборот олиш;

важарни шахсан баён этиш ва тушунтиришлар бериш;

мурожаатни текшириш материаллари ва уни кўриб чиқиш натижалари билан танишиш;

қўшимча материаллар тақдим этиш ёки бундай материалларни бошқа органлардан талаб қилиб олиш тўғрисида илтимос қилиш;

адвокат ёрдамидан фойдаланиш;

мурожаатни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисида ёхуд мурожаатга жавобни тушунтириш ва (ёки) уни тугатиш тўғрисида илтимос қилиш;

ўз мурожаатини у кўриб чиқилганига қадар ва кўриб чиқилган пайтда мурожаат бўйича қарор қабул қилганига қадар ёзма ёки электрон шаклда ариза бериш йўли билан қақриб олиш;

мурожаатни қабул қилишни ёки кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этганилиги устидан бўйсунув тартибда юқори туровчи органга ёки бевосита судга шикоят қилиш.

Жисмоний ва юридик шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

33-модда. Мурожаатларни кўриб чиқишда давлат органининг, ташкилотнинг ва улар мансабдор шахсларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

Мурожаатларни кўриб чиқишда давлат органи, ташкилот ва уларнинг мансабдор шахслари куйидаги ҳуқуқларга эга:

мурожаатни кўриб чиқиш учун зарур бўлган ахборотни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

мурожаат қилувчи ёки бошқа шахс йўқлигида мурожаатни кўриб чиқиш мумкин бўлмаганда ёхуд мурожаатни эшитиш учун уни қақриш;

била туриб ёлгон маълумотлар кўрсатилган мурожаатни текшириш сабабли ётказилган харажатларнинг ўрнини қоплаш тўғрисида судга мурожаат қилиш.

Давлат органи, ташкилот ва уларнинг мансабдор шахслари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Давлат органи, ташкилот ва уларнинг мансабдор шахслари:

мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

мурожаат қилувчига унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини, агар улар давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир бўлган маълумотларни ўз ичига олмаса, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказмаса, таъминлаши;

мурожаат этувчига кўриб чиқиш натижалари ҳамда қабул қилинган қарор ҳақида мурожаат кўриб чиқилганидан сўнг ёзма ёхуд электрон шаклда дарҳол хабар қилиши, оммавий қабуллар вақтида тушган ва жойида ҳал қилинган озғак мурожаатлар бундан мустасно;

мурожаат асосидан қабул қилинган қарор устидан, агар жисмоний ёки юридик шахс ушбу қарорга рози бўлмаса, шикоят бериш тартибини тушунтириши;

мурожаатни кўриб чиқиш натижаларига қўра қабул қилинган қарорнинг ижросини назорат қилиши;

қонунга хилоф ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) бартароф этиш юзасидан дарҳол чора-тадбирлар кўриши, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабаблар ва шароитларни ўз ваколатлари доирасида аниқлаш;

жисмоний шахс, унинг вакили, уларнинг оила аъзолари, юридик шахс, унинг вакили ва юридик шахс вакилининг оила аъзолари уларнинг мурожаатлари сабабли таъқиб этилишини белгиланган тартибда бартароф этиши;

агар жисмоний ёки юридик шахсга унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари бузилиши натижасида моддий зарар ёки маънавий зиён етказилган бўлса, қонунда белгиланган тартибда моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ёки маънавий зиёни компенсация қилиш чораларини кўриши шарт.

Давлат органлари мурожаатлар билан иш олиб борувчи ўз ходимларини ўқитади ва уч йилда камида бир марта уларнинг малакасини оширади. Давлат органларининг мурожаатлар билан иш олиб борувчи ходимларига нисбатан қўйилмаган талаблар, шунингдек уларни ўқитиш ва малакасини ошириш тартиби Ўзбекистон Республикасини Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Давлат органи, ташкилот ва улар мансабдор шахсларининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

34-модда. Мурожаатларнинг кўриб чиқилишини мониторинг ва назорат қилиш

Давлат органларининг, ташкилотларнинг раҳбарлари ёки ваколат берилган бошқа мансабдор шахслари ўз тузилмавий бўлинмалари томонидан мурожаатларнинг кўриб чиқилиши устидан доимий мониторинг ва назоратни амалга оширади, уларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш чораларини кўради.

Мурожаат у қайси раҳбар ёки ваколат берилган бошқа мансабдор шахс томонидан назоратда олинган бўлса, ўша шахс томонидан назоратдан ва ижродатдан олинади.

Оралик жавоблар берилган ва тўлиқ кўриб чиқилмаган мурожаатлар назоратдан олинмайди.

35-модда. Мурожаатларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш

Давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари келиб тушган мурожаатларнинг статистик ҳисобини юритади. Статистик ҳисобга олишда келиб тушган, кўриб чиқилган, қаноатлантирилган, қаноатлантириш рад этилган, кўрмай қолдирилган мурожаатларнинг сони, шунингдек мурожаатлар билан ишлашга боғлиқ бўлган бошқа маълумотлар назарда тутилмайди.

Давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари ҳар чорақда мурожаатларни умумлаштиради ва таҳлил қилади.

Давлат органлари мурожаатларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш натижаларига қўра маълумотномалар (шаҳрлар) тузади, уларда мурожаатлар билан ишлашнинг умумий кўрсаткичлари, мурожаатларда тез-тез кўтарилган масалалар, мурожаатларни кўриб чиқиш яқунлари бўйича аниқланган асосий камчиликлар ва қандайдозликлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, шунингдек жамият ва давлат манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабабларни бартароф этиш мақсадида қўрилган чора-тадбирлар акс эттирилади.

Мурожаатларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш натижаларига қўра тузилган маълумотномалар (шаҳрлар) тегишли давлат органларининг расмий веб-сайтларида эълон қилинади.

6-боб. Яқунловчи қонилар

36-модда. Низоларни ҳал этиш

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

37-модда. Моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ва маънавий зиёни компенсация қилиш

Жисмоний ёки юридик шахснинг аризаси, шикояти ана шу мурожаатлар бўйича қонунга хилоф қарорлар қабул қилган давлат органи, ташкилот ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан қаноатлантирилган тақдирда, ариза ёки шикоят бериш ва уни кўриб чиқиш билан боғлиқ зарарнинг ўрни, аризани, шикоятни кўриб чиқиш учун тегишли давлат органининг, ташкилотнинг, шунингдек улар мансабдор шахсларининг талабига қўра жойларга бориш муносабати билан қилинган харажатларнинг ҳамда ана шу вақт ичида йўқотилган иш ҳақининг ўрни мурожаат этувчига суд тартибда қопланади. Суд тартибда маънавий зиён ҳам компенсация қилиниши мумкин.

Жисмоний ёки юридик шахснинг аризасини ёхуд шикоятини кўриб чиқишда қонун талаблари бузилганлиги муносабати билан унга етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ва маънавий зиёни компенсация қилиш сифатида давлат органи, ташкилот томонидан туланган маблағлар айбдор шахсдан регресс тартибда ундириб олиниши мумкин.

38-модда. Мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик, худди шунингдек туҳмат ва ҳақоратдан иборат мурожаат берганлик белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўзбекистоннинг ижтимоий барқарорликни таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатлари БМТ расмий ҳужжатида

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Шу билан бирга, унда Ўзбекистон кўп миллатли ва турли динлар вакиллари истиқомат қиладиган давлат ҳисоблангани ҳам таъкидланган. Бугунги кунда мамлакатда 130 дан зиёд миллатлар диаспораси яшамоқда: уларнинг барчаси бир-бири билан ўзаро ҳамжиҳатликда, бир оиладек ҳаёт кечирмоқда. Бунда Ўзбекистон халқининг бағрикенглик ва очикқўнглик сингари қадимий қадриятлари мўҳим ўрин тутаятганига шубҳа йўқ.

Ҳужжатда айтиб ўтилганидек, Ўзбек замини ислом илми ҳамда маданияти ривожланиши ва тарқалишининг асосий марказларидан бири ҳисобланади. Халқнинг ана шундай бой маънавий мероси ҳар томонлама ўрганилиши таъминлаш ҳамда ислом динининг чуқур инсонпарварлик моҳиятини кенг тарғиб этишга интилган ҳолда, Ўзбекистон ҳукумати Тошкентда Ислом цивилизацияси марказини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. Расмий ҳужжатда қайд

этилганидек, марказга келиб-кетувчилар ислом оламнинг ўнлаб донишманд уламолари қандай ҳаёт кечиришгани ва нима билан шугулланишганини билишлари мумкин бўлади. Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Абу Муъин ан-Насафий, Нажмиддин Кубро, Махмуд Замахшарий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳожа Аҳрор Валий муроғи табаркур зотлар, Суғмамд Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улугбек, Али Қўшчи, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби олим мутафаккирлар, Камолуддин Бехзод ҳамда Махмуд Музахиб сингари рассомларнинг бебаҳо меросидан нодир намуналар, шунингдек, улар туғилиб воғая этган шаҳрлар тарихидан ҳикоя қилувчи осяоратқилар ушбу марказдан жой олади. Шунингдек, музейда муқаддас Қуръони каримнинг Усмон мусаффи нусхаси жойлаштирилди.

БМТ Бош Ассамблеяси ҳужжатида Самарқандда Имом Бухорий номидаги Халқаро илмий-тадқиқот

маркази барпо этилаётгани ҳам маълум қилинган. Ислом тараққиёт банки бу мақсада тузилишини қўллаб-қувватламоқда. Шу билан бирга, ҳужжатда қайд этилганидек, Имом Мотуридий номи марказда қалам олмиши ўрганиш бўлими, Фарғонда Бурҳониддин Марғиновий номидаги марказ негизда ислом ҳуқуқи мактаби, Бухородаги Баҳоуддин Нақшбанд марказида сўфийлик тадқиқотлари маркази, Қашқадарё вилоятидаги Абу Муъин ан-Насафий маркази негизда ақоид тадқиқотлари марказини ташкил қилиш масалалари ҳам ишлаб чиқилмоқда.

Шу тарихда барча йўналиш бўйича мамлакатнинг ривожлантириш, маърифий исломни қайта тиклаш ва тарғиб қилиш, софлигини асраш, қолаверса, Ўзбекистонда миллатлараро ҳамда динлараро дўстлигини ва жамият жиғислигини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилган кенг қамровли ишлар ҳақидаги батафсил маълумотлар БМТ ҳужжатида ўз аксини топи.

«Жаҳон» АА.

ДЕПУТАТЛАР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ 2017 ЙИЛ БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛИГИДАГИ ИЖРОСИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Солиққа тортиш тизимини соддалаштиришга қаратилган бюджетлараро муносабатларини ва солиқ маъмуриятчилигининг замонавий механизмлари жорий этилаётганлиги қайд этилди. Ўзбекистон Республикасини Президентининг «Маҳаллий бюджетларни шакллантиришда маҳаллий шакллантиришда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Солиқ тадқиқотлари тўғрисида»ги қарорлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларнинг тугган ўрни алоҳида қайд этилиб, ушбу фармонларга мувофиқ, аҳолининг реал даромадларини, ҳаёти даражаси ва сифатини ошириш, республика бюджетидан молиялаштиришга боғлиқликни камайтириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мустақиллигини кучайтириш мақсадида

худудларни комплекс ривожлантиришнинг барқарор молиялаштирилишини таъминлаш мамлакатимиз бюджет сиёсатининг асосий вазифаси этиб белгиланган. Мазкур фармонлар доирасида жорий йилнинг 1 июлидан 31 декабрга қадар Тошкент шаҳрида ва унинг туманларида уларнинг бюджетлари даромадлари ва харажатларининг янги тузилмасини назарда тутувчи тажриба ўтказилмоқда. Ушбу чора-тадбирлар натижасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларининг харажатлари улуши Давлат бюджет тузилмасида ҳисобот йилида 53 фоизга ўсди.

Худудларнинг маҳаллий бюджетларни мустаҳкамлашга доир заҳиралардан ва ресурслар имкониятларидан фойдаланишини кенгайтириш соҳасида олиб борилаётган чора-тадбирлар туфайли ўтган даврда бевосита солиқлардан тушган тушумлар миқдори 5528,7 миллиард сўмни

ташкил этганлиги ҳамда 2016 йилнинг шу давридагига нисбатан 793,8 миллиард сўмга, яъни 16,8 фоиз ўсганлиги депутатлар томонидан таъкидланди. Шу билан бирга, депутатлар Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг даромадларини шакллантиришдаги ҳамда маблағларидан самарали фойдаланишдаги хато ва камчиликларга тўхталиб ўтилди. Хусусан, Давлат бюджетининг ҳисобот давридаги ижросининг бориши таъкидлий таҳлил қилинган ҳолда, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ҳамда мажбурий ижросининг биринчи ҳисоботида микрофирмаларга ва кичик корхоналарга имтиёзлар бериш ҳисобига Қорақалпоғистон Республикасининг атиги 9 та тумани ҳамда Хоразм вилоятининг 7 та тумани, ш

# Ўзбекистон — Қирғизистон: Ҳамкорлик муносабатларида туб бурилиш

◀ (Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Ўзбекистон Президенти билан учрашув жараёнида икки томонлама муносабатларнинг деярли барча масалалари ҳал этилди ва бу Шавкат Мирзиёев томонидан намойён этилган сиёсий ироданинг натижасидир. Ушбу ташриф қардош халқларимиз муносабатларида янги давр, янги замонни бошлаб берди, деб таъкидлади.

Президентимиз ташриф давомида Қирғизистон Жогорку Кенеші раиси Чинибой Турсунбеков ва Бош вазир Сапар Исаков билан ҳам учрашув ўтказди. Давлатимиз раҳбари билан учрашувда Қирғизистон Бош вазири 2017 йилнинг 5-6 сентябр кунлари, шубҳасиз, ўзбек — қирғиз халқлари тарихида зарҳал ҳарфлар билан муҳрланган сана бўлишини алоҳида қайд этди.

Бундай фикрларни нафақат расмий доира вакиллари, балки оддий қирғизистонликлар ҳам билдирмоқдалар. Ижтимоий тармоқларда қирғизистонлик фойдаланувчилар "Икки давлат Президентлари доимо соғ бўлишин, халқимиз ўртасидаги дўстлик абадий бўлсин", "Ўзбекистон Президентининг ташрифи йилнинг энг яхши янгилигидир", "Ўзбекистон бизнинг стратегик шеригимиз ва Қирғизистон ҳукумати бу ҳамкорликни давом эттириш учун барча шароитларни яратиши керак", деган фикрларни баён этишган.

Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорлик бўлса, минтақа давлатлари ривожланиши, халқлар фаровонлиги юксалади. Шу боис яқин кўнрақ кўнрақ Қирғизистон, Туркманистон, Қозғистон ва Тожикистон билан очик, дўстона ва прагматик сиёсат олиб бориш Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг асосий устувор

йўналиши ҳисобланади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, минтақадаги мавжуд муаммолар фақатгина Марказий Осиё давлатларининг ўзаро манфаатларига асосланган ҳамкорлиги асосида ҳал этилиши мумкин.

## Манфаатлар устувор, мақсадлар муштарак

Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги муносабатлар стратегия аҳамиятга эга, дейишга барча асос бор. Аввало, Қирғизистон Ўзбекистоннинг энг яқин қўнрақидан бири бўлиб, бугунги кунда икки давлат узунлиги 1378 км. бўлган умумий чегарага эга. Собиқ иттифок парчаланишидан сўнг, объект ва субъектив сабабларга кўра, чегараларимизнинг кўп қисми демаркация ва делимитация қилинмаган эди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон раҳбарлари учрашувда чегараларимизнинг қарийб 85 фоизи белгилаб олинди. Қолган 15 фоизи яқин вақт мобайнида ҳал этилишига келишилди. Президентимиз чегара масалаларининг бутунлай ҳал этилиши натижасида Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги чегара дўстлик ва ҳамкорлик чегарасига айланишини таъкидлади. Шу ўринда қайд этиш керакки, 6 сентябрь кунин "Дўстлик" чегара пости ўз ишини қайта тиклагани давлатимиз раҳбарининг Қирғизистонга ташрифининг амалий натижаларидан саналади.

Яна бир масала. Осиёнинг етакчи давлатлари бозорларида чиқишда Қирғизистоннинг транзит имкониятлари биз учун жуда муҳим. Масалан, мамлакатимиз товарларининг Хитойга ушбу давлат орқали етказилиши учун, бор-йўғи, 300 км.га яқин масофани босиб ўтиш керак, холос. Маълумки, Марказий Осиё дунёда-

ги энг суст интеграциялашган минтақа ҳисобланади. Минтақада савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация соҳаларида ҳамкорлики ривожлантириш барча давлатлар манфаатларига хизмат қилиб, уларни Яқин Шарқ, Европа ва Осиё давлатлари билан боғлайди. Шу муносабат билан Шавкат Мирзиёев ва Алмазбек Атамбоев ўртасида ўтказилган учрашувда минтақада самарали транспорт йўллари ривожлантириш, Қирғизистон ҳудуди орқали Хитой билан боғлайдиган қисқа масофали темир йўл барпо этиш масаласи эътибор марказида бўлди. Учрашув якунида лойиҳанинг ҳуқуқий асосини яратишни жадаллаштиришга келишиб олинди. Бундан ташқари, давлат раҳбарлари Андижон — Уш — Қошғар йўналиши бўйича автомобиль йўлидан фойдаланиш масаласини муҳокама қилишди. Ўз навбатида, Қирғизистон давлатининг раҳбари бу масалани ижобий ҳал этишга розилик билдирди.

Хар бир давлат иқтисодиёти, шу жумладан, қишлоқ ҳўжалиги равишида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш муҳим ўрин тутди. Учрашувда трансчегаравий дарёлар сув ресурсларидан умумий манфаатларга мос равишда фойдаланиш борасида ҳам муҳим келишувга эришилди.

Шавкат Мирзиёев ва Алмазбек Атамбоевнинг музокара мулоқотларида хавфсизлик масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, томонлар ушган жиноятчилик, диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш бўйича бир хил ёндашув ва позицияга эга эканликларини яна бир қарра таъкидлаб ўтишди. Хавфсизликнинг бўлинмаслик тамойилини инобатга олсак, Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг ушбу соҳадаги ҳамкорлиги минтақада барқарорликни таъминлашда алоҳида аҳамият касб этади.

## Барча имкониятлар ишга солинмоқда

Ўзбекистон ва Қирғизистон икки томонлама муносабатларни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида мавжуд барча имкониятларни ишга солмоқда. Жумладан, олий даражадаги сиёсий мулоқотларнинг доимий тус олиши бунга ёрдам берди. Хусусан, Шавкат Мирзиёевнинг Қирғизистонга ташрифи қандав давлат раҳбарлари Самарқанд, Пекин ва Остона шаҳарларида ҳам учрашувлар ўтказилди. Бунинг амалий натижаси сифатида Бишкекдаги учрашувда томонларнинг барча соҳалар бўйича ўзаро келишувига эришилди.

Парламентларо ҳамкорлик йўлга қўйилди. Давлатимиз раҳбарининг Қирғизистонга ташрифи доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенеші ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди. Қолаверса, Олий Мажлис таркибида Қирғизистон билан дўстлик ва ҳамкорлик бўйича ишчи гуруҳи тузилди. Икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш мақсадида Қирғизистоннинг маъмурият вакиллари Андижон шаҳрига, Ўзбекистон делегациясининг ўш шаҳрига ташрифи ушбу саъй-ҳаракатларнинг амалий тасдиғидир.

Президентимизнинг Қирғизистонга ташрифи чоғида ҳудудларо ҳамкорлик тўғрисида, чегара вакиллари фаолият тўғрисида, олий таълим соҳасида ҳамкорлик, илмий-техник ҳамкорлик ало-

қалари ҳам жадал ривожланмоқда. Шу маънода, жорий йил февраль ойида Заҳириддин Мухаммад Бобур номидаги Ўш давлат ўзбек мусиқали академик драма театрининг Фаргона водийсига ижодий сафарини, июнь ойида эса Мукимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали драма театри жамоасининг Ўш, Узган, Аравон, Новқат, Қорасув, Жалолобод шаҳарларида ижодий сафарини алоҳида қайд этиш лозим.

Ўзбекистон кўмағида Ўш шаҳрида курилатган умумтаълим мактаби халқларимиз дўстлигининг ёрқин ифодасидир. Мазкур мактаб замонавий ўқув жиҳозлари, дарсликлар, бадиий адабиётлар билан таъминланди. Жорий йил октябрь ойида Қирғизистонда Ўзбекистон маданияти кунлари, 2018 йил Ўзбекистонда Қирғизистон маданияти кунларини ўтказишга келишиб олинди. Қолаверса, қирғиз халқининг етук фарзанди ва ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг икки халқ муносабатлари ривожига қўшган ҳиссаси чекизилганини инобатга олиб, келгуси йил Ўзбекистонда адибнинг 90 йиллик юбилейи кенг нишонланиши режалаштирилган.

Бугун Ўзбекистонда 300 мингга яқин қирғиз миллига мансуб юртоқлашнинг истиқомат қилади. Уларнинг ўз маданияти, тили, анъана ва урф-одатларини ривожлантириш учун барча имкониятлар яратилган. 6 та қирғиз милли маданий маркази фаолият кўрсатмоқда, 56 мактабда таълим қирғиз тилида олиб борилади.

Хулоса ўрнида айтидиган бўлсак, Президентимизнинг Қирғизистонга ташрифи икки давлат раҳбарлари муносабатлари ўзаро дўстлик ва ишонч асосида шаклланиши, икки томонлама алоқаларнинг ўзаро манфаатларга асосланган ҳолда изчил ривожланиб бораётгани ва устувор йўналишлар бўйича ҳамкорликнинг истиқболли бўлиши эканлигини амалда намойён этди.

**Бахтиёр МУСТАФОЕВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти ҳузуридаги Стратегик ва**  
**минтақаларо тадқиқотлар**  
**институті бўлими раҳбари.**

# Профилактика инспекторлари қасамёди

◀ (Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси томонидан пойтахтимиздаги Амир Темуր хибонда Тошкент шаҳар ИИББ ички ишлар органлари таянч пунктлари профилактика инспекторларининг қасамёди қабул қилишига бағишлаб ҳамда уларга хизмат уйлари ва имтиёзли кредит асосида сотиб олинган автомашиналарнинг қалитларини тантанали топшириш муносабати билан ўтказилган маросимда бу жиҳатлар алоҳида таъкидланди. Утган даврда мазкур Фармон асосида бир қатор ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 20 апрелдаги "Ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика инспекторларини хизмат уй-жойи билан таъминлашга доир

қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига биноан, профилактика инспекторларига хизмат уйлари берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н. Йўлдошев ва бошқалар тизимда олиб борилаётган янгилишлар юқори натижа бераётганини айтиб ўтди. Буни жорий йилнинг ўтган 8 ойи давомида юртимизда содир этилган жиноят ва ҳуқуқбузарликлар сони 2016 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,5 мингта қамайгани, 1,5 мингта маҳаллада эса ҳуқуқбузарлик ҳолатлари умуман қайд этилмагани мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Бугун Юртобшимиз томонидан ички ишлар идоралари, жумладан, профилактика инспекторларига алоҳида эътибор қаратилиб, юксак гамҳурилик кўрсатилмоқда, — дейди Олмазор туманидаги "Шифокор" маҳалла фуқаролар йиғинига хиз-

мат кўрсатувчи профилактика инспектори Зуфар Кучиев. — Мана, маҳалланинг ўзидан барча қулайликка эга хизмат уйи ҳамда имтиёзли кредит асосидаги машиналар берилаяпти. Бундан



жуда мамнунимиз. Айни чоғда бу зиммамиздаги масъулиятни ўн чандон оширади. Худудимиздаги аҳоли билан бир оила вакилларидак ҳамжиҳатликда ишлаб, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, профилактика тадбирлари самардорлигини оширишимиз талаб этилади. Улуғ саркарда Амир Темуր ҳайкали ёнида туриб, шу вазифаларни сидқидилдан бажаришга қасамёд қилдик. Халқимиз ишончини оқлаш йўлида бор билим ва салоҳиятимизни ишга соламиз.

Анжуманда ички ишлар органлари тизимини ислоҳ қилиш борасидаги кенг қўламли саъй-ҳаракатлар айнан профилактика инспекторларидан бошлангани-

да ҳам чуқур маъно борлиги қайд этилди. Зеро, жиноятчи жазоландан кўра, бундай ҳолатнинг олдини олиш хар жиҳатдан фойдалидир. Шу маънода, ҳуқуқбузарликларнинг са-

бларини аниқлаш ва бартраф қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларда қонунларга ҳурмат туйғусини мустаҳкамлаш бугун хар қанонидан долзарб аҳамиятга эга. Буларнинг изчил ижроси, шубҳасиз, профилактика инспекторларининг қандай ишлари билан бевосита боғлиқ.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари О. Муродов, Қ. Қуронбоев, Бош вазир ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т. Нарбаева иштирок этди.

**Зокир ХУДОШУҚУРОВ,**  
**«Халқ сўзи» мухбири.**



Оқил ҒУЛОМОВ (ўзА) олган суратлар.

# Қайта ишлаш саноати: ИСТЕЪМОЛЧИ ҲАМ, ТАДБИРКОР ҲАМ МАНФААТДОР

◀ (Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Таъкидлаш лозимки, "Сирдарьинский берег"га етказиб берилган кунгабоқар пистаси, дуқкачи ўсимликлар ҳосили, ошқовоқ уруғи сингари хом ашёлар "Бек" бирлашмасининг 664 гектарлик даласида тақоррий экин сифатида етиштирилляпти. Шунингдек, бу борода фермер ҳўжаликлари, томорқа эгалари билан ҳам шартнома асосида ҳамкорлик қилинаёттир. Шу билан бирга, корхона томонидан 20 гектар майдонда гидропоника усулидаги иссиқхона ташкил этиш ҳаракатлари ҳам бошлаб юборилган.

Кувонарлиси, бугунги кунда вилло-

ятда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослаштирилган бундай субъектлар сони тобора ортиб бормоқда. Қўлаб истиқболли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этиляпти. Масалан, "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятига қарашли "Сардоба темир йўл агросаноат мажмуаси" унитар корхонаси томонидан балкичилик, қорвачилик, мева-сабзавотни қайта ишлаш, сут маҳсулотлари ва омикта ем ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режалаштирилган бўлса, Сардоба сув омбори ва Мирзаобод тумани ҳудудида ташкил этиладиган мажмуада балиқчи қайта ишлаш заводини қуриш мўлжалланган. Шунингдек, Сар-

доба мева-сабзавотлар логистика марказида ҳам дала нёъматларини етиштириш, саралаш, сақлаш каби раёвлар билан бир қаторда, уларни қайта ишлаш ҳам жорий этилади. Албатта, бундай эзгу саъй-ҳаракатлар бугун Мирзачўл воҳасини қамраб олгани ҳудудлар ихтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминляпти. Ислохотлардан қўзланган устувор мақсад эса инсон манфаатлари, юртоқлашнинг имининг бахтиёр ва фаровон ҳаёт кечирини таъминлашдан иборатдир.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**  
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг чет элда стипендиатларнинг малака ошириши, стажировка ўташи ва таълим олишини ташкил этиш «ИСТЕЪДОД» ЖАМГАРМАСИ**

**Чет элда малака ошириш, стажировка ўташ, шунингдек, магистратура ва PhD дастурлари бўйича таълим олиш учун стипендияларга танлов ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Танловга ариза ва ҳужжатлар Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 171-уйда жойлашган «Истеъдод» жамғармаси биносида 2017 йил 14 сентябрдан 14 октябргача қабул қилинади.

**Танловда иштирок этишни истаганлар:**

- Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши;
- чет (инглиз, немис, француз, рус ва бошқа) тилларидан бирини муқаммал билиши;
- магистратура дастури учун бакалавр ёки олий маълумотли мутахассис, PhD дастури учун магистрлик дипломига эга бўлиши;
- малака ошириш ва стажировка ўташ учун тавсия этилган номзодлар мақсадида дастурларини (ОТМ раҳбари томонидан тасдиқланган) тақдим қилишлари шарт.

**Танловда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати:**

- Олий таълим муассасаларининг (ОТМ) мутахассислари, педагог ва илмий кадрлари орасидан чет элда малака ошириш, стажировка ўташга тавсия этилаётган номзодларнинг куйидаги ҳўжатлари Жамғарманинг қабул комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўтказилган дастлабки танлов натижалари илова қилинган ҳолда тақдим этилади:
  - белгиланган шаклдаги маълумотнома-объективка\*;
  - қабул комиссияси раиси номига таълимнинг шакли ва йўналиши кўрсатилган, белгиланган тартибдаги ариза\*;
  - ОТМ раҳбарининг имзоси билан тасдиқланган номзоднинг чет элда малака ошириши ва стажировка ўташи зарурилиги кўрсатилган тавсияномаси;
  - ОТМни тугатганлигини, шунингдек, илмий даражаси (фан номзоди, PhD ва фан доктори) ва илмий унвонини (катта илмий ҳодим, доцент, профессор) тасдиқловчи дипломларнинг нусхаси;
  - мехнат дафтарчаси нусхаси;
  - паспорт нусхаси;
  - 6 донга 3x4 см. ҳажмдаги фотосурат;
  - чет тилидан билим даражасини белгилувчи амалдаги миллий ёки халқаро сертификат (IELTS, TOEFL каби), агар мавжуд бўлса.
- Чет элда магистратура ва PhD дастури бўйича таълим олишга тавсия этилаётган номзодлар томонидан юқорида кўрсатилганларга қўшимча равишда куйидаги ҳўжатлар тақдим қилинади:
  - номзодни кейинчалик иш билан таъминлаш тўғрисидаги муассаса раҳбарининг қафолат хати;
  - чет эл таълим ёки илмий муассасасига қабул қилинганлигини тасдиқловчи ҳўжат («Letter of acceptance»), агар мавжуд бўлса.

Чет элда магистратура ва PhD дастурлари бўйича таълим олиш учун ҳўжатларни топширган пайтда ишламаётган номзодлар ушбу тартибнинг «в» ва «д» қисмларида кўрсатилган ҳўжатларни тақдим этишдан озод қилинадилар.

**Изоҳ:** \*керакли ҳўжатлар намуналарини Жамғарма веб-сайтидан ([www.istedod.uz](http://www.istedod.uz)) юклаб олиш мумкин.

**Эслатма:** 5 см.) жойлаштирилган бўлиши ва ҳўжатлар рўйхати А-4 форматли қоғозда реестр папкининг ички чап томонига елимланган ҳолда Жамғарма қабул комиссиясига тақдим қилиниши зарур.

**Маълумот учун:**  
**телефонлар: (0-371) 232-60-18, 232-62-40**  
**электрон манзил: [istedod@edu.uz](mailto:istedod@edu.uz)**  
**«Истеъдод» жамғармаси интернет манзили: [www.istedod.uz](http://www.istedod.uz)**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг чет элда стипендиатларнинг малака ошириши, стажировка ўташи ва таълим олишини ташкил этиш «Истеъдод» жамғармаси.**

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га** 9.00 дан 18.00 гача  
**ЭЪЛОНЛАР** 232-11-15, 236-09-25.  
**КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.** E-mail: [reklama@xs.uz](mailto:reklama@xs.uz)

**Халқ сўзи Народное слово**

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 945, 79 476 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоини келиштилган нарҳда.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
 Девонхона (0-371) 233-52-55;  
 Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

**ТАХРИРГАТГА** келган қўбемалар тақриб қилинмайди ва муаллифта қайтариламайди. Реклама материаллари учун тахрират жаобгар эмас. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштириган ташкилот жаобгар. Газета тахрират компьютер марказида термалда ҳамда оператор М. Бегмуртов томонидан сақлланади. Газетанинг полиграфик жиҳатдаги сифатини чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа ишлаш корхонаси таъминляпти. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.** Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.50 Топширилди — 23.50 1 3 4 5 6

**МАНЗИЛИМИЗ:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Ф. Абилов. Навбатчи — Р. Шеркулов. Мусахҳач — С. Исломов.